Бўритегин, Тамгачхон Иброхим
(?-тахминан 1070)
(1040-1070)

Мовароуннахрдаги Гарбий корахонийлар хоконлиги асосчиси. Корахонийлардан. Отаси Наср ибн Али. Илок хокими (1017-1021). У ерда Бўритегин, амир ва малик унвонлари билан тангалар зарб эттирган. Корахоний бекларидан Алитегин туркманлар ёрдамида Мовароуннахрни босиб олган пайтда (1025) Иброхим ибн Наср унинг фарзандлари кўлига асир тушган. 1037 йилда асирликдан кочиб Хўжандни эгаллаган. Бирок, акаси, Фаргона хукмдори Мухаммад билан чикиша олмай, жанубга йўл олди ва 1038-йилда Амударё бўйи вилоятлари Хутталон, Вахш ва Чагониённи босиб олди. У ерда куч тўплаб Мовароуннахрни марказий худудларига бостириб кирган ва Кеш, Самаркандни эгаллаган(1040). Кўп вакт ўтмай у Мовароуннахрни ва Фаргонани ўзига бўйсундириб, мустакил сиёсат юрита бошлайди. Натижада корахонийлар икки мустакил давлатга ажралиб кетади: Бири пойтахти Болосогунда бўлган Шаркий корахонийлар, иккинчиси маркази Самаркандда бўлган Мовароуннахрдаги Корахонийлар давлати эди.
Иброхим ибн Наср ўзини Тамгачхон деб эълон килган ва мустакил давлат бирлашмаси - Гарбий корахонийлар хоконлигига асос солган. Бу галабалардан сўнг Иброхим Тамгач “бугрохон” унвонига сазовор бўлади. Иброхим ибн Наср 1041-1042 йилларда Бухорни эгаллаган. 1043-йилда Чагониённи газнавийлар, сўнгра бир оз вактдан кейин салжукийлар босиб олган. Иброхим ибн Наср салжукийлар билан Термиз ва Балхга эгалик килиш учун курашган. XI аср ўрталарида Шаркий хоконликни камраб олган ўзаро жанжаллар, низолардан фойдаланиб Иброхим ибн Наср Фаргона, Шох, Исфижоб, Тароз ва хатто Корахонийларнинг Чу вохасида жойлашган асосий пойтахти Боласогунни хам эгаллаб олган. Бирок, шунга карамасдан у Самаркандни ўз пойтахтлигича колдирган. Умрининг охирида фалаж бўлиб колган Иброхим хокимиятни огли Шамсумулкка топширган.
Тамгачхон Иброхим ўкимишли, аклли ва тадбиркор хокон бўлган. Ўз сиёсатида уламоларга таяниб иш юритган. У Самаркандда тартиб-осойишталик ўрнатиш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш тогрисида алохида гамхўрлик килган, огрилик ва талончилик учун каттик жазолаган. Курилиш ишларига катта эътибор берган. Масалан, 1066-йилда унинг буйруги билан Кусам ибн Аббос макбарасига якин жойда мадраса курилган, шунингдек, Самаркандда каср хам курдирганлиги маълум.